

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: ИНСОН ҚАДРИ, ҲАЛҚ МАНФААТИ ВА ЖАМИЙТ-ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АСОСИЙ ҚОНУН

Инагамова Мафура Мухтархоновна

Тошкент давлат транспорт университети доценти,

PhD, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14492927>

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз Бош қомуси ва унинг ривожланиши, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиши ва қўшимчаларнинг мазмуни таҳлил қилинган.

Шунингдек, мазкур нормаларнинг ижро меҳназмларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёритиб берилган.

Калим сўз: Конституция, суверен давлат, демократик давлат, ҳуқуқий давлат, ижтимоий давлат, қонунчиликдаги зиддият, ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз, давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимяти органлари, суд-ҳуқуқ соҳаси.

THE CONSTITUTION OF UZBEKISTAN: THE FUNDAMENTAL LAW REGULATING HUMAN DIGNITY, PUBLIC INTERESTS, AND SOCIETY-STATE RELATIONS

Abstract. The article analyzes the Constitution of our country, its development, and the essence of amendments and additions made to this legal document in recent years. Additionally, it highlights normative-legal acts related to the implementation mechanisms of these norms.

Keywords: Constitution, sovereign state, democratic state, rule of law, social state, contradictions in legislation, inviolability of rights and freedoms, state governance, local government bodies, judicial-legal sphere.

КОНСТИТУЦИЯ УЗБЕКИСТАНА: ОСНОВНОЙ ЗАКОН РЕГУЛИРУЮЩИЙ ЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ ДОСТОИНСТВО, ОБЩЕСТВЕННО-ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ОТНОШЕНИЯ

Аннотация. В статье анализируется Генеральная конституция нашей страны и ее развитие, содержание изменений и дополнений, внесенных в этот правовой документ за последние годы. Также разъяснены нормативно-правовые документы, связанные с механизмами реализации этих норм.

Ключевые слова: Конституция, суверенное государство, демократическое государство, правовое государство, социальное государство, коллизия законодательства, права и свободы неприкосновенны, государственное управление, органы местного самоуправления, судебная власть.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди. Бунга 2023 йилнинг 30 апрел куни бўлиб ўтган референдум натижасига кўра 11 та моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуннинг қабул килиниши асос бўлди¹.

Бунга қадар 1992 йилдан буён Конститутцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб хужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, олганда конституция 65 фоизга янгиланган.

Материал ва методлар. Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Конституциясини хуқуқий таҳлил асосида илмий тадқиқ қиласиз. Янги Конституциявий нормаларининг бугунги кундаги зарурати ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Тадқиқот натижалари. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришлар ва янги нормалар ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Хусусан, Конституциянинг 1-моддаси: «Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, хуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат.

Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади», деб таъкидланган.

Киритилган мазкур ўзгартиришлар натижасида **суверен давлат** Ўзбекистон мустақиллигининг умумий ва ажralмас белгиси бўлиб, ички ва ташки сиёsatда тўлиқ мустақил эканлигини англатса, **демократик давлат** эса инсонпарварлик қонунларига асосланган, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий ҳолати ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат эканлиги мустаҳкамланган.

Ёки **хуқуқий давлат** деганда, давлат ўз фаолиятини, жамият ва фуқароларнинг яшаш тарзини фақат Конституция ва қонунлар асосидагина амалга оширилишини таъминлаши, натижада, давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун устуворлиги асосида ҳалқ манфаатлари учун ишлайди, унга хизмат қилиши назарда тутилган. Ушбу нормадаги **ижтимоий давлат** ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, мунособ меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойли бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатилган, мувозанатлашган, ҳеч бир

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1 май 2023 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги ЎРҚ-837-сон Конституциявий қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатдир деб таърифланган бўлса, Ўзбекистонни дунёвий давлат сифатида белгилаш – дунёвий тараққиёт, турли дин ва мазҳаблар ўртасида бағрикенглик ва тотувликни мустаҳкамлашга, диний бирлашмаларнинг мустакил фаолият юритишига, дин ва эътиқод эркинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги конституциянинг 154-моддаси билан, 1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, деб белгиланди. Худди шунингдек, 154-модданинг ўзидағи айнан шу қоидадан иборат банд ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги қатъий мустаҳкамланган.

Бошқача айтганда, бу норма – Ўзбекистон ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, хуқуқий давлатчиликка содиқлиги назарда тутади.

Конституциямизнинг бошқа барча нормаларида юқоридаги санаб ўтганимиз – барча принципларни рӯёбга чиқаришга қаратилган механизмлар ва кафолатлар мустаҳкамланган.

Бош қонунимизнинг 15-моддагасига киритилган ўзгаришга кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик қучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона хуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Демак, конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга мурожаат қилишга имкон беради. Референдумда қабул қилинган қонунга биноан, Олий суд уч ой ичида тегишли Пленум қарорини қабул қилиши керак. Бу қарор асосида судлар томонидан конституция нормаларини тўғридан тўғри амал қилувчи хужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиёти жорий этилади.

Ёки 19-моддаси 2-қисми имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт эканлиги мустаҳкамланди. Бу билан конституциянинг амалда ишламай келган нормаларидан бири реал воқеликка мослаштирилмоқда. Кўпинча амалиётда турли жабҳалардаги имтиёз ва преференциялар нафақат қонунлар асосида, балки кўп ҳолатларда қонуности хужжатлар – қарор ва фармонлар асосида бериб келинмоқда.

Конституциянинг янги таҳририга асосан инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига эканлиги талқин этилади, каби норма киритилди. Биламизки, ижтимоий муносабатлар чексиз шаклларга эга, уларни норматив-хуқуқий хужжатларда тўлиқ кодификация қилиб чиқиш амалда имконсиз.

Эндилиқда, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчилик мавжуд бўлганда ҳам вазият фуқаро фойдасига ҳал этилиши кераклиги қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, ёшга доир пенсия тайинлашда тегишли ҳужжатлар базадан топилмай қолганда ёки ҳужжатлар билан боғлиқ ноаниқлик юзага келганида ҳам масала инсоф фойдасига ҳал этилади.

Яна бир муҳим масала, ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши масаласи аввалги Конституцияда иккита яъни, «Инсоннинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт» каби норма билан тартибга солинган эди. Конституциянинг янги таҳририда юқоридаги иккита норма деярли ўзгаришсиз сақлаб қолинди. Шу билан бирга, қуидагича янги норма қўшилди: «Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин» қўшимча билан бойитилди.

Ҳуқуқлар чекланишига доир бу меъёрлар, янги конституциянинг бошқа бир моддасига асосан, сўз эркинлиги ҳуқуқига ҳам тегишли. Яъни ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фақат конституциявий тузумни, аҳоли соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик мақсадида чекланиши мумкин.

Таъкидлаш лозим, «ижтимоий ахлоқ» тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигига ҳали киритилмаган. Ушбу тушунча ҳамда мазкур модда бўйича инсон ҳуқуқлари «жамоат тартибини таъминлаш мақсадида» чекланиши бўйича ваколатли органнинг ҳуқуқий шарҳига зарурат бор. Ҳуқуқлар таъминланиши билан ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибини сақлаш ўртасидаги боғлиқлик аниқ белгилаб қўйилиши керак. Шу билан бирга, юқорида айтганимиздек, конституцияга биноан эндиликда барча ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари намойишларга оид моддани ҳам эслатиб ўтиш ўринли. Бу модда аввалги ҳолида, ўзгаришларсиз сақлаб қолинди.

Шунингдек, конституцияга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. У икки банддан иборат: Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни

ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-кимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қиласди. (52-модда)

Шу тариқа, устозлар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди. Конституцияда ўқитувчилардан бошқа касб эгаларининг барчаси – ҳуқуқ соҳаси вакиллари (судялар, прокурорлар ва адвокатлар). Бошқа ҳолатларда касб эгалари эмас, соҳалар ҳақида гап кетган (масалан, оммавий ахборот воситалари, турли жамоат бирлашмалари).

Конституциявий нормани ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги қонуни² имзоланиб, ижрога қаратилди. Унда педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгиланди.

Бундан ташқари мазкур қонунда қуидагилар тақиқланди: *биринчидан*, педагогни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан худудларни ободонлаштиришга ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш; *иккинчидан*, педагогдан унинг касбий мажбуриятларига тааллукли бўлмаган ҳисботларни ва бошқа маълумотларни, шу жумладан битиравчиларнинг бандлиги таъминланганлиги ҳақидаги ҳисботларни шакллантиришини ва тақдим этишини талаб қилиш; *учинчидан*, педагогнинг зиммасига товар ва хизматларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш, шу жумладан иш ҳақидан унинг ёзма розилигисиз товар ва хизматлар учун маблағ ушлаб қолиш.

Юқоридаги ҳолатларнинг содир этилиши ҳуқуқбузарлик деб баҳоланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш» деб номланган 51-моддасига қўшимча киритилиб, унга мувофиқ, «...худди шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан содир этилган бўлса» номли норма билан бойитилди. Мазкур кодекснинг яна бир нормаси яъни, 197⁵-моддасига мувофиқ, «Таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш» номли янги норма киритилди ва таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри

² Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 1 февралдаги «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги ЎРҚ-901-сонли қонун// Қонунчилик маълумотлари миллый базаси, 01.02.2024 й., 03/24/901/0082-сон.

ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиш билан ифодаланган тарзда қонунга хилоф равища аралашиш ёки таълим ташкилоти педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш маъмурий ҳукуқбузарлик деб баҳоланди ва жавобгарлик белгиланди.

Инсон ҳукуqlарини таъминлашда бекиёс ўрин эгаланган яна бир муҳим норма бу адвокатура фаолиятидир. Биламизки, адвокатура зиммасига жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим конституциявий вазифа юклатилган. Аввалги конституцияда фақатгина битта норма билан тартибга солинган мазкур фаолият эндиликлар адвокатура институтига айланди.

Адвокатнинг касбий фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмаслиги конституциявий даражада мустаҳкамланиши кучли адвокатура тизимини яратишининг асосий омили бўлиб хизмат қиласди. Ушбу қоида «ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт» деган ғоянинг конституциявий ифодасидир. Ушбу ўзgartiriш суд процессида адвокат прокурор билан тенгма-тенг мунозарага киришишини таъминлайди, иш бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш фаолиятига аралашмаслик натижасида адвокатуранинг ҳукуқий ҳолати мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳукуqlарини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунида³ «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁴га адвокатга гувоҳнома бериш муддати камайтирилишини назарда тутувчи қуйидаги ўзgartiriшлар киритилди: «Ўзбекистон Республикасининг Адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) лицензия олиш учун адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида

³ O‘zbekiston Respublikasining 2024 yil 07 fevraldag‘i «Davlat xizmatlari ko‘rsatish hamda tadbirkorlik sub’ektlarining huquqlarini va qonuniy manfaatlarini himoya qilish tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlari o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida»gi O‘RQ-905-soni Qonun // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.02.2024-y., 03/24/905/0106-soni.

⁴ O‘zbekiston Respublikasining 1997 yil 09 yanvardagi «Advoktura to‘g‘risida»gi 349-I-soni Qonuni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997 y., 2-son, 48-modda; 2001 y., 1-2-son, 23-modda; 2003 y., 5-son, 67-modda; 2004 y., 1-2-son, 18-modda; O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2005 y., 37-38-son, 280-modda; 2008 y., 52-son, 514-modda; 2009 y., 39-son, 423-modda; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 12.10.2018 y., 03/18/497/2044-son; 16.01.2019 y., 03/19/516/2484-son; 24.05.2019 y., 03/19/542/3177-son, 11.09.2019 y., 03/19/566/3734-son; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son, 03.02.2022 y., 03/22/749/0101-son; 04.08.2022 y., 03/22/786/0705-son; 10.08.2023 y., 03/23/862/0578-son; 07.02.2024 y., 03/24/905/0106-son; 22.02.2024 y., 03/24/911/0142-son; 28.02.2024 y., 03/24/915/0160-son.

уч ой муддат стажировка ўташи керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт»⁵.

Мазкур фаолиятга оид яна бир муҳим норматив-хуқуқий ҳужжат бу Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонундир. Давлат хисобидан юридик ёрдам – ушбу Қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ тўлиқ ёки қисман давлат хисобидан кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг хуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам деб белгиланган ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона рејестри» ахборот тизими воситасида кам таъминланган шахсларга давлат хисобидан юридик ёрдам кўрсатиши мустаҳкамланган.

Мамлакатимизнинг Бош қонунида Давлат бошқарувидаги нормалар қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар билан бойитилди. Хусусан, Президентнинг ваколат муддати 5 йилдан 7 йилга узайтирилди. Президентнинг “давлат бошлиғи” мақоми сақлаб қолинди. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент бўлиши мумкин эмаслиги, президентнинг қасамёди матни ва президентга тааллукли бошқа аксарият нормалар ҳам ўзгаришсиз қолдирилди ҳамда президент муддатидан илгари президент сайловини тайинлашга ҳақли экани белгиланди.

Шу таъкидлаш жоизки, президентнинг ваколат муддати 2003 йилда ҳам 5 йилдан 7 йилга узайтирилган, 2011 йилда эса қайтиб 7 йилдан 5 йилга туширилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Бош вазир номзодини эндиғолиб партия эмас, президент тақдим этади. Бош вазирни тайинлаш ва унга ишончсизлик вотуми билдиришда Сенатнинг иштироки бекор қилинди. Бундан ташқари, Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга туширилди. 14 та худуддан 6 нафардан эмас, 4 нафардан сенатор сайланади, президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони 16 нафардан 9 нафарга қисқартирилди. Бу ўзгариш яқинда ўтказилган парламент сайлови вақтида ижроси таъминланди. Қонунчилик палатаси депутатлари сонини (150 нафар) оширмасликка, ўзгаришсиз қолдирилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси қонунлар бўйича қўшимча ваколат олди. Унга кўра, эндиликда Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида 60 кун ичida қарор қабул қиласа, Қонунчилик палатаси қонунни президентга юборади. Қонунларнинг президент томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган муддат 30 кундан 60 кунга узайтирилди.

Бевосита конституциямизга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид

⁵ O‘zbekiston Respublikasining 2023 yil 10 avgustdagи «Advakatura to‘g’risidagi O‘zbekiston Respublikasi qonunining 3¹-moddasiga o‘zgartirish kiritish haqida»gi O’RQ-862-sonli qonun // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 10.08.2023-y., 03/23/862/0578-son

қатор ўзгартиришлар киритилди. Яъни, ҳокимлар кенгаш раислигидан озод этилди. Маҳаллий давлат бошқарувида вакиллик ва ижро этувчи органлар бир-биридан ажратилди. Маҳаллий кенгашлар сайланадиган вакиллик органлари, ҳокимликлар эса ижро органлари деб белгиланди.

Шунга мувофиқ, қуйидаги саналардан бошлаб, ҳокимларнинг кенгашларда раислик қилишига барҳам берилди:

- вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги депутатлик сайловлари якунлари бўйича;
- туман ва шаҳарларда 2026 йил 1 январдан бошлаб.

Маҳаллий кенгашлар раислари кенгаш депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланиши, ҳокимлар эса 5 йил муддатга тайинланади ва тайинланган ҳокимни кенгашлар тасдиқлайди каби норма киритилди. Шу тариқа, кенгаш раислари ҳам, ҳокимлар ҳам тўғридан тўғри аҳоли томонидан сайланмайди.

Кенгашларнинг ваколатларига, жумладан, қуйидагилар киради:

- маҳаллий бюджетни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш;
- ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги хисоботларни эшлиши.

Ҳокимларнинг ваколатлари эса, жумладан, қуйидагилардан иборат бўлади:

- конституция ва қонунларни, парламент палаталарининг қарорларини, президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг, юқори турувчи ҳокимларнинг ва тегишли халқ депутатлари кенгашларининг қарорларини бажариш;
- ҳудудларни иктисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантириши таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш.

Ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби бўйича алоҳида қонунлар қабул қилиниши шунингдек маҳаллий масалалар бўйича уларнинг ваколатлари қандай тақсимланиши ана шу қонунларда акс этиши белгиланди.

Янги таҳрирга оид янги нормалар қаторига Коррупцияга ва монополияга қарши курашиш органлари раҳбарларини президент тақдимига биноан сайлаш Сенатнинг ваколатига ва давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади каби қоидалар белгиланди.

Суд-хуқук соҳасидаги кўшимча ва ўзгартиришлар жумласига, Конституциявий суд судялари қайта сайланиш хуқуқисиз ўн йил муддатга сайланиши, Судялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмасликлари, Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл кўйилмаслиги, шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши тақиқланиши ҳамда ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки хукуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш хукуқига эга эканлиги мустаҳкамланди.

Мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-хуқук тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилганлигига ҳам йигирма йил бўлди.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик рухида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгидা демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Ушбу жараёнларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони⁶ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун⁷ ижроси билан амалга оширилиб келинмоқда эди. Эндиликда мазкур жараён мамлакатимизнинг энг олий қонуни билан мастаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз деган ғоянинг амалий ифодаси десак муболага бўлмайди.

Хулоса. Юқоридаги фикрларга асосланиб, конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислоҳотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг «Конституция — халқимизнинг хукуқий тафаккури, хоҳиши-иродасининг ёрқин тимсоли. Бу ноёб қомуснинг ҳар бир моддасини

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 авгуустдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ-3641-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 223-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-99-сонли Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.

ўрганиш, уларга ҳурмат, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиш барчамиз учун муқаддас бурч ва мезонга айланиши керак», деган сўзлари билан хулоса қиласиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг 1 май 2023 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги ЎРҚ-837-сон Конституциявий қонуни // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 1 февралдаги «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги ЎРҚ-901-сонли қонун// Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.02.2024 й., 03/24/901/0082-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 07 февралдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг хуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-905-сонли Қонун // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024-й., 03/24/905/0106-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 09 январдаги «Адвоктура тўғрисида»ги 349-И-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 03.02.2022 й., 03/22/749/0101-сон; 04.08.2022 й., 03/22/786/0705-сон; 10.08.2023 й., 03/23/862/0578-сон; 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон; 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 10 августдаги «Адвакатура то'г'рисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3¹-моддасига о'згартириш киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-862-сонли қонун // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2023-й., 03/23/862/0578-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ-3641-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 223-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-99-сонли Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.
8. Инагамова М.М. Конституциявий ислоҳотларда инсон-жамият – давлат масалаларининг ривожланиш босқичлари//«Ўзбекистон Республикаси конституцияси - инсон қадрини улуг'лаш, эркин ва фаровон ҳайтимиз кафолати» мавзусидаги илмий амалий конференсия. – Тошкент. Републикан Ссиентифис анд Прастисал Конференсе. Десембер 1. Т.: 2023. Б. 59-64.
9. Инагамова М.М. Конституциявий ислоҳотлар – аёл ҳуқуқлари ҳимоясининг гарови// Конституция – тинчлик ва тараққиёт кафолати: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 27 йиллиги байрамини нишонлаш мақсадида ўтказилган Республика илмий-амалий конференция материаллари (2019 йил 5 декабрь). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. –Б.121-125.
10. Инагамова М.М. Янги Ўзбекистон Конституциясида аёл ҳуқуқлари ҳимоясининг айрим жиҳатлари//Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси: Республика илмий-амалий конференция тўплами / Масъул мухаррир техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 103-106. б.
11. Инагамова М.М. Конституциявий ислоҳотлар – аёл ҳуқуқлари ҳимоясининг гарови// Конституция – тинчлик ва тараққиёт кафолати: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 27 йиллиги байрамини нишонлаш мақсадида ўтказилган Республика илмий-амалий конференция материаллари (2019 йил 5 декабрь). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. –Б.121-125.